НЕФТЧИЛАР УЧУН УЙЛАР

БУХОРО. Қоровулбозордаги ишчилар шаҳарчаси кенгаймоқда. 20-«Бухороқишлоққурилиш» трести бўлинмалари жамоалари нефтни қайта ишловчилар учун 35 та замонавий уйни қуриб беришди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ИСКОВОТГА ҲАМ ГАЗ КЕЛДИ

НАМАНГАН. Исковот қишлоғи вилоят марказидан 35 километр олисда. Яқинда бу қишлоқда ҳам қувончли воқеа бўлди. «Таъмирқурилиштрансгаз» трестининг Фарғонадаги учинчи механизациялашган кўчма жамланмаси азаматлари қишлоққа газ келтиришни эпладилар. Маросимда қатнашган вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев газ машъаласини ёқди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ВИЛОЯТ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

НАВОИЙ. Вилоят пиллакорлари эл ҳирмонига режадаги 654 тонна ўрнига 670 тонна пилла топшириб, йиллик режани ошириб бажардилар. Бу меҳнат ғалабасига Қизилтепа, Навбаҳор, Хатирчи, Навоий туманлари заршунослари муносиб ҳисса қўшдилар. Навоийликлар яна 50 тонна сифатли пилла етиштириб умумий ҳосил миқдорини 720 тоннага етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ.

САЛОМАТЛИК ЎН КУНЛИГИ

АНДИЖОН. Вилоят ҳокимлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътиборни кучайтириш мақсадида 5-15 июнь кунлари экология ва саломатлик кунини ўтказишга аҳд қилди. «Экосан» халқаро жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкор жамоалар ёрдамида бу хайрли тадбирни қўллаб-қувватламоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ҲАР БЕШ КУНДА — МУКОФОТ

ХОРАЗМ. Хонқа туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида ғўза қатор ораларига ишлов бериш якунланди. 1316 гектар майдондаги экинни 25 механизатор 10 кунда ишловдан чиқарди. Кўрсаткич кунига 130-140 гектарга етди. Ҳар беш кунги натижага кўра илғорлар 1000-2000 сўмдан мукофот олишди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

«КАРВОН» САФАРИ

САМАРҚАНД. Шаҳар ёшларининг «Карвон» дўстлик клуби иш бошлади. 40 нафар йигит-қиз чет эллик тенгқурлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатишган. Яқинда самарқандлик йигит-қизлардан бир гуруҳи Белорусь сафарида бўлди.

Фармон ТОШЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 11 июнь, сешанба № 71 (21.992).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

СУРАТДА: мажлис пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раислигида 1996 йил 10 июнь куни республика Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистоннинг транспорт-коммуникация воситалари орқали жаҳон денгиз йўлларига чиқишини таъминлаш, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ ҳудудида ўтказиладиган «Кооператив Оспрей-96» машқларида иштирок этиш ҳақидаги, шунингдек кенгашнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЁНҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

АҚШнинг Аляска штатидаги ёнғин ҳали ҳам давом этмоқда. Қаттиқ совуқ ва дўл-ёмғир ўт ўчирувчиларга «ёрдамга келган». Ёнғин халқ хўжалигининг 334 тармоғини ишдан чиқариб, 4 миллион долларлик зарар келтирди. Фавқулодда ҳодисалар бошқармаси федерал вакиллиги директори Жеймс Лии Виттнинг айтишича, ҳукумат ёнғинни бартараф этиш учун бор куч имкониятларни ишга солмоқда.

ЎЗ КУЧИНИ ЧАМАЛАБ КЎРДИ

Австралиялик сузувчи Сусий Мерани Кубадан Америка Қўшма Штатларигача сузиб бормоқчи эканини маълум қилди. Орада 12 миль масофа чўзилиб ётибди. Сузиш марафони халқаро Ассоциацияси текшириб чиқиб, бу масофани 88,5 миль деб белгилади. Халқаро талабларга кўра марафон иштирокчиси бу масофани ҳеч қандай ёрдам ва ёрдамчисиз сузиб ўтиши керак.

ПРЕЗИДЕНТ КЛИНТОНГА ҚАРШИ

Якшанба куни кечқурун 200 га яқин киши Демократик Сенат ёнида Президент Клинтонга қарши норозилик намойишини уюштирди. Полиция уларнинг йўлини тўсиб, бинога яқинлаштирмади. Ғарб компанияларининг уч кунлик тебраниши Сан-Франциско штатида катта намойиш пайдо бўлиш эҳтимолини юзага келтирди.

ПАРТИЗАНЛАР ЮРИШИ

Партизанлар ҳужуми натижасида Ливаннинг жанубида 5 Исроил аскари ўлдирилди ва 6 аскар ярадор бўлди. Бунга қарши Исроил қўшинлари Ливан партизанлари яширинган жануб ўрмон ва тоғларни қаттиқ ўққа тутдилар. Ғарбий қирғоқлардаги қишлоқ ҳудудларидан бирида икки европалик ҳам ҳалок бўлди. Тўсатдан қилинаётган партизанлар ҳужумидан Исроил хавфсизлик хизмати ташвишга тушиб қолди.

АҚШда ДАРОМАД СОЛИҒИ

АҚШ молия вазири Роберт Рубиннинг айтишича, Президент Клинтон мамлакатда даромаддан олинадиган солиқни камайтириш борасида аниқ режага эга эмас. Бу масала ҳукумат даражасида қайта кўрилмайди, дейди у. Республикачилардан Президентликка номзоди кўрсатилаётган Боб Доул ишсизлар учун тўланадиган товон пулини озайтирмоқчи.

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

ДАЛАЛАРИ ҚУТЛИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ШУДЛИ

Арнасой тумани ғаллакорлари вилоят миқёсида биринчи бўлиб ўрим-йиғимни бошладилар. Илгариги пайтларда туман чўлқуварлари ишлаб чиқариш режаларини биринчилар қаторида уддалашарди. Кейинги ўн йил давомида бу шуҳрат бироз сусайди, туман иқтисодиёти ортга кетди. Бу кун дилларда чақнаган умид чақмоғи — туман деҳқонлари кўҳна доврўқни тиклайдилар деган илинж бўлди.

Туманнинг ғалла карвони жуда салмоқли. 18,6 минг гектар майдондан 61 минг тонна дон йиғиб олиниши кўзда тутилмоқда. Бу ҳосилнинг тенг ярми давлатга сотилади. Шартли суғориладиган чўл шароитида бундай ҳосилни етиштириш ва бундай катта хирмонни чошлаш осон эмас.

— Лекин биз мўлжалдагидан ҳам зиёд ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик, — дейди туман ҳокими Бегижон Раҳмонов. — Республика ғалла мустақиллигига бўлган иштиёқимиз, юртбошимизнинг ғаллакорларга кўрсатаётган катта ғамхўрликлари куч-мадад бўлди. Туманнинг Мирзо Улуғбек номидаги деҳқон хўжаликлари уюшмасидамиз. Тажрибали ғаллакор Ҳаким Умматов бошлиқ звено аъзолари ўз ғаллазорларида учта комбайн ишлатишяпти. Дастлабки натижалар ҳар гектар майдондан 38 центнердан ҳосил олинаётганини кўрсатмоқда. Бу, белгиланганидан 10 центнер кўп.

Уюшма бўйича 1452 гектар майдонда ғалла етиштирилган. Ғаллакорлар мавсумда чошлайдиган 4700 тонна сара доннинг 2,5 минг тоннасини давлатга сотиш мақсадида ўрим-йиғим суръатини тобора қизитмоқдалар. Бирор бошоқ донни, бирор мисқол сомонни исроф этмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Шу сабабдан илғор комбайнчилар Анвар Солиев, Олимжон Жавқонов ва Рустам Кенгашевларнинг ҳар бири кунига 8—10 гектар ғаллазорни ҳосилдан тозаламоқда. Алоҳида юклаш ва ташиш гуруҳи механизаторлари ўриб, янчилган дон ва сомонни пешма-пеш хирмонга ҳамда уюшма чорвачилик фермасига тўкмоқдалар. Ғалладан бўшаган майдонларга чигит ва такрорий экинлар экилмоқда. Туман бўйича 400 гектар майдонга тезпишар ғўза навлари, 5 минг гектар майдонга кечки полиз, сабзавот, мош ва силос учун маккажўхори экиш мўлжалланмоқда.

Ғалла ўрим-йиғими туманнинг «Қозоғистон», «Хоразм», «Андижон» ва бошқа хўжаликларида ҳам қизғин бошлаб юборилди. Ғаллазорларда туманнинг барча 30 та комбайни юқори унум билан ишлатиляпти. Наманган вилоятидан, Қўшработ, Фориш ва Бахмал туманларидан ҳашарга келган 67 та комбайн ҳам бугун-эрта пайкалларга киритилиб, хирмонга барака ёғдира бошлайди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Лўқма

НОМЛАШНИ ҚАЧОН ЎРГАНАМИЗ?

Туманимиздаги мактабларнинг номларини санаб ўтириб ёқа ушлаб қолдим: «Луначарский номидаги 1-мактаб, Некрасов номидаги 29-мактаб, Островский номидаги 12-мактаб, Свердлов номидаги 31-мактаб, Менделеев номидаги 34-мактаб...»

Ахир бу йил мустақиллигимизнинг 5 йиллигини нишонлаймиз-ку?! Бу номлар қачон ўзгаради?Бу борадаги аҳволни тартибга келтириш учун ҳукуматнинг қарори чиқди-ку?! Айтайлик, поплик шоир ва журналист, туман маорифи ривожида самарали иш олиб борган Эргаш Ёндош номини абадийлаштириб бирор мактабга берилса, ҳеч нарса ютқазмаймиз.

Маҳаллий раҳбарлар қачон ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга ўрганишаркан?

Ҳайитбой ЭРГАШЕВ,
Наманган вилояти, Поп тумани,
Тепақўрғон қишлоғи.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуида республика учинчи анъанавий илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. У юртимиз истиқлолининг беш йиллигига бағишланди.

Анжуманда Институт директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов «Мустақил Ўзбекистонда демократияни янада ривожлантириш муаммолари ва фалсафа ҳамда ҳуқуқ фанларининг долзарб вазифалари» ҳақида маъруза қилди.

Конференция ишида, республикамизнинг етакчи файласуф ва ҳуқуқшуносларидан ташқари, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидан келган мазкур соҳалар олимлари фаол иштирок этдилар. Улар шўъбаларга бўлиниб, ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшунослик, маданият, тафаккур, фан-техника фалсафаси, фалсафа тарихи ҳамда давлатшунослик, ҳуқуқ назарияси, тарихи муаммолари юзасидан қизиқарли маърузалар, илмий мунозара ва ахборотлар қилдилар.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов нутқлари ва асарларида мустақил Ватанимиз илм-зиё аҳли, жумладан файласуф ҳамда ҳуқуқшунослар, олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқадиган илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, изланишлар кўламини янада кенгайтириш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Конференция ишида ЎзР ФА иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлими раиси, ФА мухбир аъзоси О. Ҳикматов иштирок этди.

Э. ХЎЖАЕВ.

1996 йил — Амир Темур йили

КЎРККА КЎРК ҚЎШИЛЯПТИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар ободонлашмоқда. Темурийлар даврига оид обидалар таъмирланмоқда. Корхона, ташкилот ва ўқув юртларида турли кечалар, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиляпти.

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши билан «Шаҳрисабз тонги» газетаси ҳамкорлигида «Соҳибқирон салоҳияти» деб номланган давра суҳбати бўлди. Унда сўз олган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Хуррамов, туман партия кенгашининг биринчи котиби М.Остонов, уруш ва меҳнат фахрийси, Шаҳрисабз тарихининг зукко билимдони Л.Убайдуллаев, туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи О.Йўлдошев, Амир Темур номли мактабнинг тарих ўқитувчиси Р.Пирматова, «Шаҳрисабз тонги» газетаси муҳаррири С.Рустамовлар юбилейга тайёргарликнинг бориши ҳақида гапирдилар.

Амир Темур билан боғлиқ тарихий обидаларни таъмирлаш тезкорлик билан олиб борилмоқда, янги масканлар қурилмоқда. Оқсарой арки борган сайин кўрк очяпти. Юбилейгача Оқсарой мажмуида жами 17 миллион сўмлик иш бажарилиши лозим. Шаҳарда эски қалъа ўрнида дастлабки 132 метрлик янги қалъа қуриб битказилди.

Бу йил Шаҳрисабзда тарихий обидаларни таъмирлаш учун 45 миллион сўмлик ишлар амалга оширилади.

Шаҳар марказида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали ўрнатилади. Бундан ташқари, 8,5 километрлик айланма йўл, автомобиль шоҳбекати, деҳқон бозорида янги павильонлар, темир йўл вокзалининг янги мажмуи, Шаҳрисабз дарвозаси қурилиб, ишга туширилиши кўзда тутилган.

— Мен тарихимиз мафтуниман, — дейди Лутфулла Убайдуллаев. — Шаҳримиз тарихи, Темур ва темурийлар даврини бир умр ўрганиб келаман. Шаҳрисабз Марказий Осиёнинг қадимий маданий ўчоқларидан биридир.

Қаршибой БЕРДИЕВ,
журналист.

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

ФАРҒОНА. Бу йилги мавсум мева-сабзавотларидан консерва тайёрлаш бошланди. Бодринг консервалари янгича кўринишли шиша идишларда чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг сифатли ва харидоргир бўлишига аҳамият бериляпти. Ток барги, саримсоқ пиёз, карам, помидор, бақлажон каби сабзавотларни қайта ишлаш учун ҳам завод цехлари шайлаб қўйилган.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҒЎЗАПОЯГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

БУХОРО. Вобкент туманидаги қишлоқларни газлаштириш якунланмоқда. Мурод Жўрабоев номли жамоа хўжалигида газлаштириш тугади. Шўробод, Аравачилар, Кўлиодина, Пермост, Анжилбоғ ва Қаҳат қишлоқларида бугунга келиб арзон ёқилғидан фойдаланилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

«ҲУЖУМ»ЧИЛАР ҲУЗУРИДА

САМАРҚАНД. Шаҳар партия кенгаши қошидаги депутатлар клубининг навбатдаги машғулоти «Ҳужум» пиллакашлари ҳузурида ўтказилди. Клуб раиси, Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти ректори Р. Холмуродов, ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш. Темуров партия сиёсатини юритишда ХДПдан сайланган депутатлар фаолияти ҳақида сўз юритдилар.

(Ўз мухбиримиздан).

Қимматбаҳо қоғозлар бозори

«ГАП ПУЛДА ЭМАС, АКЦИЯДА»

— дейишмоқда «Одил-Дон» очиқ турдаги акционерлик жамияти аъзолари

Пойтахтимиздаги 1-ун заводи ўтган йил охиридан «Одил-Дон» очиқ турдаги акционерлик жамияти (ОТАЖ) номи билан иш юритяпти. Хўш, бу ном ўтган қисқа вақт мобайнида ўзини оқладими?

Агар рақамларга мурожаат қилсак, оқлаганлиги ойдинлашади. Чунки, ўтган йилнинг 16 октябригача завод Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари Давлат акционерлик корпорацияси ва кўпгина ташкилотлардан қарийб 193 миллион сўм қарз эди. Ўтган йилнинг 31 декабригача акционерлар қарзларни батамом узишга эришди. Йил муваффақиятли якунланди. Чиқарилган акциялар бозори чаққон бўлди. Қимматбаҳо қоғозга жамоа аъзосининг ишончи ошди. 370 нафар акциядор «арава»ни бир томонга бараварига тортишга интилмоқда.

Яна бир нарса. Илгари пакетларга унни қадоқлаш ойига 16 тоннани ташкил этган бўлса, декабрь ойида бу кўрсаткич 100 тоннага етди: уннинг ҳар бир савдо нуқтасига етиб боришига эришилди. Ҳозир талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, акциядорлар кунига ўртача 350 тонна олий, биринчи, иккинчи навли ва макарон унларини ишлаб чиқармоқда. Тегирмонлардан ун олиш 75-77 фоизни ташкил этаётгани ҳам қувончли.

Яқинда акциядорларнинг умумий йиғилишида «Одил-Дон» акционерлик жамияти қошидаги кузатувчи кенгаш раиси Бахтиёр Икромов, жамият раиси Собиржон Йўлдошбоев чиқарилган қимматбаҳо қоғозларнинг 50 фоизини «Одил» фирмаси, 20 фоизини Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари Давлат акционерлик корпорацияси олганлиги, шунча миқдордаги акциялар «Одил-Дон» ОТАЖ аъзоларига ва қолган қисми очиқ бозорларда сотилганлигини айтишди. Биринчи чорак якунлари бўйича дивиденд — юз сўмлик акция 123 сўму 50 тийинни ташкил этгани билдирилди. (500 сўмлик акция имтиёзли равишда 100 сўмдан сотилган). Агар уни йилга ҳисобласа, бу кўрсаткич анча юқори бўлиши табиий.

Жамият раисига залдан: — Дивиденд миқдорини яна ҳам ошириш мумкинмиди? — деган савол тушди.

Бунга Собиржон ака аниқ-тиниқ далиллар билан шундай деди:

— Ўтган йили Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Шаҳрисабз туманларида қурилиши бошланган ун маҳсулоти корхоналарига яқиндан ёрдам бердик. Ғузордаги ун маҳсулотлари корхонаси ишга туширилди. Яқин орада Шаҳрисабздаги корхона ҳам донни қайта ишлай бошлайди. Демак, берган ёрдамимизга қўшимча даромадлар келади ва дивиденд миқдори ошишига шубҳамиз йўқ.

«Одил-Дон» ҳиссадорлик жамияти аъзоларидан А. Мирзаев, Т. Соибов, А. Катэков, А. Тен, С. Олимжонов, С. Хўжаевлар ҳам энди эскичасига ишлаб бўлмаслигини, ҳамма ўзини катта оила аъзоси сифатида ҳис қилиши, газ, электр энергияси, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳар бир майда жиҳозни ҳам кўзқорачиғидай асраш орқали дивиденд миқдорини ошириш мумкинлигини билдиришди.

Мулкдорларнинг мулкка бўлган эгалик ҳисси ошганлигини тўла ҳис қилдик. Акциядорлар ўзаро аҳил, бир-бирига маслакдош. Ютуғидан қувонса, камчиликларини ўз вақтида тўғрилашга ҳаракат қилади.

Кўп йил самарали ишлаганларга акциялар имтиёзли берилди. Ҳар бир донаси 500 сўмлик қимматбаҳо қоғозни 100 сўмдан сотиб олдилар. Кўп йил меҳнати сингган ишчиларга бепул акциялар ҳам тарқатилди. Кўпчилик акцияларнинг истиқболига ишонч ҳосил қилиб, ссуда орқали уни кўпроқ сотиб олишди.

Масалан, биргина жамият ходими Венера Гайгурованинг қўлида 39 минг сўмлик акция бор. У шунга бор-йўғи 7 минг 300 сўм ёнидан тўлаган. Чунки унинг кўп йиллик меҳнати ҳисобига 73 та қимматбаҳо қоғоз 500 сўмдан эмас, имтиёзли қилиб 100 сўмдан берилган. Бешта акцияни бепул олган. Чорак якунига кўра В. Гайгурова 9633 сўм дивиденд олди.

Жамоанинг акциялар бўйича ҳисобчиси Ҳабиба Бадалбоеванинг бизга берган маълумотига кўра, акциядорлардан Борис Чублов 139 та акцияга эга. Ундан 80 таси имтиёзли. У 17 минг 166 сўм 50 тийин дивидендни олиб, ссудани узди ва 9166 сўм соф фойда олди. Илғор ишчилардан Тошмуҳаммад Соибов, Абдураззоқ Мирзаевлар 51 та акцияларига 6298 сўм 50 тийиндан дивиденд олишди. Улар яна қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишга аҳд қилишган. Акциялар истиқболини бош муҳандис Суннатулла Хўжаев олдиндан ҳис қилди. Унинг қўлида 300 та акция бор. Шундан 100 таси имтиёзли, 200 таси ссуда орқали олинган. Бир йилга 100 минг сўм ссуда олган муҳандис биринчи чоракдаёқ 37 минг 50 сўмни қайтаришга эришди. Шу йилнинг ўзида ссудани узиш ва катта фойда олишига у ишонади. Шофёр Тожи Омаровнинг ҳам қувончи чексиз. У ўзининг 106 та қимматбаҳо қоғозига 13 минг 91 сўм дивиденд олди.

Демак, акцияларга ишонч ҳам, улардан келаётган қўшимча даромадга (дивидендга) ишонч ҳам кун сайин ортиб боряпти. Акциядорлар тили билан айтганда, гап пулда эмас, акцияда!.. «Одил-Дон» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳар бир аъзоси қалбига муҳрланган бу ишонч уларни янги-янги муваффақиятларга етакламоқда.

Бу ердаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада кунига 500 килограмм юқори сифатли маҳсулот чиқарилмоқда. Макарон маҳсулотлари сифатлилиги ва энг арзонлиги боис бир кун ҳам туриб қолаётгани йўқ. Буни ҳисобга олган акциядорлар уни кўпроқ ишлаб чиқариш пайида бўлишяпти.

Бу ютуқлар кўламининг қабаблари нимада? «Одил-Дон» акционерлик жамиятининг кекса-ю-ёши, ишчи ёки устаси бир хил жавоб беради. Улар барча ютуқлар «Одил» фирмаси билан ҳамкорликнинг яқинлиги, акциядорлар раҳбари, 33 ёшли Собиржон Йўлдошбоевнинг ишбилармон ва ғайратлилиги боис, дейишади.

«Одил-Дон» корхонаси ишчи-хизматчиларининг ғайрати баланд. Бу ерда жамоа аҳлини ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам қатор тадбирлар белгиланган. Гўшт, сут бепул берилиши уларни қувонтирмоқда. Жамоанинг касаба уюшмаси раиси Анастасия Теннинг таъкидлашича, ёзги дам олиш оромгоҳларига акциядорларнинг фарзандлари бепул йўлланма оладилар. Дарвоқе, акциядорлар умумий йиғилишида тўрт нафар илғор ишчига рангли телевизор, яна тўрт кекса жамоа аъзосига пул мукофотлари берилди. «Одил-Дон»дан қайтар эканмиз, унинг келажагига ишонч кун сайин ортиб бораётганини ҳис этдик.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бекобод шиферлари.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Миллат руҳи

«МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ОМИЛЛАРИ»

Инсон онадан мусаффо туғилади, унинг дунёқараши, ахлоқи, одоби, билими, иймони, эътиқоди атрофдаги одамлар билан бўлган алоқалари заминида шаклланади.

Тарбия, таълим инсон маънавиятини шакллантиришга қаратилган ишлар, режалар тизимидир. Давлат шу боисдан ҳам таълим, тарбия ишларига бефарқ қарай олмайди. Тарихнинг бурилиш палларида тарбиянинг аҳамияти яна ортади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб истиқбол сари бораётган кунда тарбиявий ишларнинг кўлами кенгаймоқда.

Ҳозирда тарбия, таълим ишларини ҳамма ерда кенг йўлга қўйиш, унинг илмий, услубий муаммоларини давр эҳтиёжларига монанд ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этмоқда. Буюк мутафаккир олим Абдулла Авлонийнинг «тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот... масаласидир» деган фикрлари қанчалик пур маъно эканлигини бугун янада чуқурроқ англамоқдамиз.

Сўнгги икки-уч йил давомида Тошкент Давлат университети қошидаги «Ўзбек миллий қадриятлари» тадқиқот маркази таълим-тарбиянинг илмий, услубий муаммоларини ўрганишда сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Бу мавзуни ёритишда ўзбек халқ педагогикаси, тарбия борасидаги диний умуминсоний қадриятлардан самарали фойдаланиш йўлларини ўрганиш, айниқса, аҳамиятлидир. Марказ ходимлари тайёрлаган ва «Университет» нашриёти чоп этган «Маънавий камолот омиллари» тўплами бу борада олиб борилган ишларнинг давомидир. Тўпламга ёзилган сўзбошида ҳозирги кунда ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишларини амалга оширишда халқимиз анъаналаридан, исломий қадриятлардан кенг фойдаланиш амалий аҳамиятга эга экани яхши очиб берилган. Тўпламга ўзбек халқ мақоллари, доноларнинг ҳикматли сўзлари, ҳадислар, шариат қоидаларида айтилган таълим-тарбияга оид фикрлар киритилган. Китобдан ўрин олган фикрлар маҳорат билан терилган дур шодасини эслатади. Ҳар бир мақолада ўтган авлоднинг доно меросигина эмас, балки комил инсонни шакллантириш ҳақидаги ғоялари, орзу-умидлари ҳам акс этган. Бу орзу-умидлар етук мутафаккирлар айтган ҳикматли сўзларда ҳам ўз ифодасини топгандир. Зотан, ҳикматли сўзлар айрим шахсларнигина эмас, балки бутун халқнинг маънавий камолоти, руҳий эҳтиёжлари даражасини ҳам кўрсатади.

Ҳадислар, шариат қоидаларида олдинга сурилган комил инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақидаги фикрлар катта амалий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Тўпламга киритилган фикрлар таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишга, ота-боболаримизнинг бой меросидан оқилона фойдаланишга имкон беради. Ушбу тўплам мураббийлар учун ҳам, ўқувчи ё талабалар учун ҳам муҳим қўлланмадир.

Эркин РЎЗМАТОВ,
Ўзбекистон миллий қадриятлари маркази илмий котиби.

Ўз касбининг усталари

ОТА ҲУНАР

У болалик чоғларида отасининг устахонасига тушлик учун егулик таширди. Ўша вақтлардаёқ падари бузрукворининг қўлида яроқсиз ҳолга келиб қолган турли ускуналарнинг аслига қайтаётганининг шоҳиди бўлган. Қўли тегмаса ҳам кўзи пишиган. Мактабни битиргач, отаси Абдуҳафизга кўмакчилик қила бошлади. Кўп ўтмай Абдуҳафиз Жалилов пенсияга чиқди. Қаюм эса ота ҳунарини қўлга олди.

Қишлоқ хўжалигида мавсумлар алмашаверади: экиш-тикиш, ишлов бериш, ўрим-йиғим, шудгорлаш. Бу ишларнинг ҳаммасини техника кўмагисиз тасаввур этиш қийин. Тез-тез ишдан чиқиб турадиган эҳтиёт қисмларни созлаб, ўрнига қўйиш керак бўлади. Бўка туманидаги 22 жамоа хўжалигининг турли техникаси Қаюм аканинг қўлидан ўтган, десак бўлади.

«Қаюм акага обор, Қаюм акага учрашмадингми?» деган гапларни ҳар қадамда эшитасиз.

У меҳнат қилаётган хонага кирганимизда уста «Т-28 Х-4» трактори муфтасининг қопламали дискасини созлаётган эди. 15 дақиқада эҳтиёт қисм созланди.

— Эҳтиёт қисмлар таъминотида узилишлар бор. Яхши ҳамки Қаюм акага ўхшаш моҳир устамиз борки, мушкулимиз осон бўляпти, — дейди техника таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси мудири Қ.Жалилов.

Яқинда ота ҳунарини эгаллаган Қаюм Абдуҳафизовни бир ўринда 42 йилдан бери меҳнат қилаётгани билан муборакбод этдилар.

Жўра ҲАМРОҚУЛОВ.
Тошкент вилояти, Бўка тумани.

ТОШКЕНТНИНГ БИР КЕЧАСИ

(Воқеа содир этилган жойлардан репортаж)

Энг гўзал шаҳар — республикамиз пойтахтида тунда кезмоқни ихтиёр этдик... Милиционер қаторида. Улар ишини кўрмоқ ниятида.

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Т. Худойберганов кўрсатмасига асосан бизга ажратилган «Тошкент милицияси» «Доган»ига ўтириб йўлга чиқдик.

Миробод тумани ИИБ. Фош этилган жиноятлар — Сарикўл кўчасидаги безорилик, «Фарғона йўли» кўчаси хонадонларида ўғрилик ва муқаддам жиноят қилиб, ҳозирда қидирувда бўлган шахс қўлга олинган.

Ҳамза тумани ички ишлар бўлимига етиб борганимизда соат миллари 20.15 ни кўрсатарди. ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори Асқар Ҳожимуродов ахборот беради. Ҳозирча учта жиноят содир қилинган бўлса, учаласи ҳам очилган. Туманимизда завод-фабрикалар кўп.

Шу пайт бизни «Шумилов шаҳарчаси»нинг Боку кўчасида жойлашган уйлардан бирида бўлаётган жанжалга чақириб қолишди. Дарҳол етиб бордик. Маълум бўлишича, уй соҳиби, 1946 йилда туғилган О. Валентин (муқаддам судланган) маст ҳолда меҳмонларни кўчага ҳайдаб, қўлида ошпичоқ билан «шер» бўлиб юрган экан. Милиция ходимларининг аралашуви билан безориликка чек қўйилди, зўравон эса навбатчилик қисмига олиб кетилди...

Садаф кўчасида муқаддам қидирувда бўлган шахс яна жиноят устида қўлга олинди. Биз эса Мирзо Улуғбек тумани томон ошиқдик.

Маълум бўлишича, туман ИИБ 3-шаҳар милиция бўлими тезкор вакиллари қидирувдаги шахсни узоқдан кўриб танишади. Аммо уни қўлга олишга шошилмайди. Чунки 1976 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. М. яна бир ўғрилик жиноятини содир қилишга тайёр турган экан. У йўл ёқасида қаровсиз қолдирилган «ГАЗ-31» русумли машина ичидан «ДЭУ» автомагнитафони, электромассаж аппарати ва спорт кийимини ўғрилаётган пайтда ушланди.

Биз қўлга олинган Х. М. билан суҳбатлашдик:

— Ўғрилик қилишга биринчи бор нима ундаган?

— Пул керак бўлиб қолганди.

— Нима учун бирон жойга ишга жойлашмайсан, унда?

— Сабрим чидамайди. Мен ҳам яхши кийинишни хоҳлайман, ахир...

Ана, ҳали 20 ёшга тўлмаган йигитнинг гапи. Номига кўзёш, йиғи-сиғи қилган бўлди ҳам. У билим олишга интилгани йўқ. Касб танлашга хоҳиш ҳам билдирмагани аниқ. Лекин мўмай даромад топиш пайида ўғрилик йўлига кирган. Бундай ёшлар уйланса бола-чақасини қандай боқаркин? Мана шундай фарзанд ота-онанинг шўри. Қариндош-уруғига фақат иснод келтиради.

Туман ИИБ ЖҚБ бошлиғи, милиция майори О. Нигматжонов ушбу жиноятни шарҳлаб берди:

— Мана шу йигитнинг бизга маълум бўлган жиноятлари 4 та. Ҳали ариза билан мурожаат қилмай юрганлар ҳам бўлиши мумкин. Бу албатта тергов ҳаракатларида ойдинлашди. Муҳими, биз уни қўлга олдик. Х. М. кўпроқ бир услубда ўғрилик қилган. Кўча-кўйда, бозор атрофи ёки чекка жойларда қаровсиз қолган машиналарнинг ичидан қўлга илинган нарсасини олгану, тезда яширишга муваффақ бўлган. Бир марта хонадонда ҳам ўғрилик қилиб кўрган. Сўраб-суриштириб, бир неча кунги тадбирлардан сўнгина уни ушладик.

Юнусобод туман ИИБга борганимизда соат 23 дан 45 дақиқа ўтганди. Бу ерда неча кун олдин оғир жиноят турларидан бири — босқинчилик содир этилган бўлиб, шуни фош этишга эришилибди. Шу муносабат билан биз туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Отбосаров билан қисқача суҳбатлашдик.

М. Отбосаров: — Бу иш туманимизда катта шов-шувга сабаб бўлганди. Жиноятни амалга оширган 5 нафар шахсни қўлга олдик. Улар томонидан нафақат босқинчилик, балки ўғрилик, талончилик ва ҳатто қотиллик каби қабиҳ ишлар қилинган деган тахминларимиз бор.

Панжара ортидаги беш навқирон йигитга қараб на ачинишни ва на ғазабланишни билмадик... Яккасарой туман ИИБда тезкор-навбатчи, милиция капитани И. Рухсатов эндигина расмийлаштирилаётган ўғрилик жиноятини батафсил тушунтириб берди: Тўқимачилик комбинати ишчиси Ж. А. 40 метр газламани ўғрилаб чиқиб кетаётганда жиноят-қидирув бўлинмаси тезкор вакиллари ушлашибди.

Туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Т. Саидов дилкаш ва ўз касбининг фидойиларидан экан. Милиция соҳасида салкам 30 йил хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди, ахир. Лекин Тўйчи ака ҳали бақувват. У киши билан бирга бир пиёла чой ичиб, бироз ҳангома қилдик.

Собир Раҳимов туман ИИБ жиноятқидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани Ш. Рихсиевни йўлда, навбатдаги жиноятни фош этиб қайтаётганда учратиб қолдик.

— Бугун Қорақамиш даҳасида содир этилган қотилликни хиёнатдан ўзгача аташ мумкин эмас, — дейди Шоир Шохидович. — Йигит ўз севгилисининг уйида ота-онаси ва ака-укалари йўқлигидан фойдаланиб, қизни ширин сўзлар билан алдаб хонадондаги қимматбаҳо буюмлар, 500 АҚШ доллари ва 12 минг сўмни ўғрилаган. Қиз йигитнинг бундай разил ниятда келганини вақтида сезиб қолади. Йигит эса бунга жавобан кўзлари бежо бўлиб... пичоқ санчади.

Соат 9.00. Милиция фаолиятини ёритиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББга келганимизга роппа-роса бир кечаю бир кундуз бўлди.

Бош бошқарма бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Э. Норгитов ижодий гуруҳ аъзоларини қабул қилиб, жумладан шундай деди:

— Ўн марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал дейишади. Мана, ўзинглар бир сутка давомида милиция «аччиқ нони»ни еяётган ходимларнинг хизмати билан танишдингиз. Қозонда бори чўмичга чиқади. Шундайми? Биз ютуқларимиздан ғурурланиб, камчиликлардан кўз юмиш ниятимиз йўқ. Муҳими, биз — милициянинг оддий ходимидан тортиб то генералгача бўлган шахсий таркиб ўз хизмат вазифасига юксак масъулият билан қарашга, халқ ишончини оқлашга доимо ҳаракат қиламиз.

Қисқа ва лўнда айтилган мана шу гапнинг замирида беҳаловат тунлар, машаққатли хизмат, хавфли жиноятчилар билан олишиш ҳамда ўз ҳаётидан кўра халқ осойишталигини таъминлашни афзал билган милиция ходимининг феъли борлигини англадик.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати катта инспектори.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

Мақсуд ҚОРИЕВ

БУ ДУНЁНИНГ ЖАННАТИ

Азиз диёрим, Ўзбекистоним, қай сўз билан ифода айлай сенинг мадҳингни, нақадар улуғсан, гўзалсан. Кўп эллар, минтақалар, шаҳарларни кўрдим, аммо ҳеч бирига алмашмайман сени, азиз ва муқаддас заминим, она диёрим! Зардуштийларнинг қадим китоби «Авесто»да: «Марғиёна, Суғдиёна, Хоразм дунёнинг энг гўзал маъволаридан» деб таъриф-тавсиф этилган. Менинг она диёрим, қадим-қадимлардан, минг-минг йиллар муқаддам сенинг мадҳинг муқаддас манбаларда улуғланган, шарафланган, жаҳонга кўз-кўз қилинган.

Ривоят қилишларича, сарвари олам яккаю-ягона Аллоҳ энг гўзал сайёралардан бири бўлган Ерни яратгандан сўнг, уни барча эл-элатлар, қавм-уруғларга, халқларга бўлиб бера бошлабди. Шунда ўзбек уғлони Худонинг ҳузурига кечикиб, барчадан кейин кирибди:

— Эй оламни яратган, марҳаматли, меҳр-шафқатли яккаю-ягона Аллоҳ, менга ҳам ўз насибамни бўлиб берақол, — дебди камсуқумлик билан.

— Эй менинг бечора бандам, шу чоққача қайларда юриб эрдинг, ахир Ер юзини қарийб тақсимлаб бўлдим-ку, — дебди Яратган.

— Аттанг, кеч қолибман-да, ҳамма айб ўзимда, мени авф айла, ахир сен барчани кечирувчи меҳрибон, шафқатли эгамсан, не қилайки, бошқаларга ҳурмат юзасидан уларни ҳузурингга киритиб, муборак эшигинг пойида одоб сақлаб турдим, аслида даргоҳингга олдин етиб келган эрдим, — дебди ўзбек гуноҳкорона эҳтиром билан.

Шунда Яратган дебди:

— Сен чиндан ҳам танти бек эркансан, одобинг ҳам, одамгарчилигинг ҳам мақтовга лойиқдир, мен кўз остимга бостириб эҳтиётлаб қўйган ҳов анави икки дарё оралиғидаги ямяшил водийни сенга ҳадя этдим, — дебди тангри таолло.

Албатта, бу бир ривоят. Лекин нима бўлмасин, бизга насиб этган муқаддас замин меҳри Она сути билан йўғрилган. Уни биз гуллатдик, яшнатдик, ардоқлаб оламга танитдик. Милоддан аввалги 329-328 йилларда Спитамен бошчилигидаги халқ қасоскорлари жаҳонни титратган Александр Македонскийга қарши мустақиллик учун мардонавор жанг қилганлиги кўҳна тарихимиз саҳифаларига абадул-абад ёзилиб қолган. Искандар ҳеч қаерда Суғдиёнадагидек қаттиқ қаршиликка учрамаган. Қанча-қанча моҳир саркардалардан айрилди, ўзи уч марта ярадор бўлди. Халқимиз қадим замонларда ҳам элим-юртим деб жон фидо этган Широқ, Тўмарис каби фидойи халқ қаҳрамонлари билан фахрланади.

Тарихимиз қадим-қадимларга бориб тақалади. Эрамиздан аввалги III-IV асрлардаёқ Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Шош каби шаҳарлар жаҳонга маълум эди. Атоқли олим Мирсодиқ Исҳоқовнинг «Унутилган подшоҳликдан хатлар» рисоласида қадим « Муғ» тоғидан топилган суғд ёзувлари ҳақида ноёб маълумотлар бор. Унда Шошдаги Суғд элчисининг Самарқанд ҳокимига ёзган мактуби эълон қилинган. Юнон тарихчиси Страбоннинг ёзишича, милоддан олдинги V-IV асрларда Мовароуннаҳр ва Шарқий Эроннинг бир қисмида сак-массагетлар, хоразмликлар яшаганлар. Мовароуннаҳрда буюк давлат барпо этган Самонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, жаҳонгашта буюк Темур соҳибқирон ва унинг улуғ сулоласи тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирди. Болқон ярим оролидаги халқларни Усмонли турклар истибдодидан, Россияни муғуллар ҳукмронлигидан қутилишига тенгсиз халоскорлик ҳиссасини қўшган буюк Темур халқимизга беқиёс мерос қолдирди. У фахр билан «Биз ким миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз» деган эди.

«Ойда ҳам доғ бор» дерлар, аммо Ўзбекистоним, сенинг ҳеч ерингда доғинг йўқ, ҳамма-ҳаммаси маромида. Қуёш ҳам сахий нурларини йил бўйи сендан аямайди, баҳор, куз, ёз, қиш барча фасллар баб-баравар амал қилар она диёрим заминида. Баҳор ва ёзнинг, куз ва қишнинг ҳам ўз гўзаллиги, гашти бор Ўзбекистон диёрида!

Баҳор айёми боғларингда, ям-яшил водийларингда, осмон билан ўпишган тоғларингда, жўшқин дарё соҳилларида гўзаллик туғилади. Куй, қўшиқ яратилади. Ўзинг қўшиқсан, ғазалсан серқуёш Ўзбекистоним! Айтинг-чи Шоҳимардоннинг гўзал манзараларини қайси диёрда кўргансиз?! Наманган боғларининг таровати қаерда бор? Шаҳрисабз оромгоҳларида бўлганмисиз? Фарғонанинг марварид узумларидан татиганмисиз? Ширин-шакар, хушбўй Хоразм қовунлари қайда бор ўзи?

Дўрмонда Ризамат ота деган миришкор узумчи бўларди. Унинг жаннатсимон боғида етиштирилган узумларни кўрсангиз эди, кўзларингиз қувонарди, шунда Ўзбекистон чиндан ҳам Аллоҳнинг назари тушган жаннатмакон ўлка эканлигига ишонч ҳосил этар эдингиз. Бирма-бир санаб берай, мана эшитинг ўша узумларнинг хилларини: оқ, қора чиллаки, ҳусайни билан ҳасайни, оқ ва қора кишмиш, оқ ҳамда қора даройи, буваки, соҳиби, шувулғони, эчкумар, каттақўрғон, чарос... Ризамат отанинг ўзи кашф этган замонабоп узумларчи? Уни бутун Ўзбекистон биларди. Бундай узумларнинг хиллари бирорта қишлоқда, минтақада, ўлкада бўлмаса керак.

Ён қўшним бор, атоқли геолог, аллома Ҳабиб Тўлаганов. Кўпни кўрган, узоқ йиллар геология вазири бўлиб ишлаган. Ўзбекистонимизнинг табиий бойликлари ҳақида сўраб қолсангиз, қулфи-дили очилиб кетади: «Ер ости бойликларимизнинг қиёси йўқ, бунда «Менделеев жадвали»даги барча маъданлар бекам» дейди Ҳабиб ака фахрланиб. Ўзбекистоннинг «олтин сандиғи»ни очганлардан бири ҳам ана шу олижаноб инсондир. Инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган нефть, газ, кўмир, олтин, кумуш, мис, симоб, уран ва бошқа маъданлар шундадир. Бу бойликлар мустақил давлатимиз куч-қудрати асосларидир, ана шу хазиналар сандиғи — она заминимизнинг беқиёс бойлигидир. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов мўътабар минбарлардан: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» —, деб фахр билан, дадил айтаётганлигининг боиси ҳам шунда бўлса керак.

Чунки Ўзбекистоннинг моддий бойликларининг қиёси йўқдир. «Қизил империя» даврида ана шу бойликлар марказга ташиб кетиларди. Уйимиз ёнидан газ йўллари ўтар, аммо ўзимиз гўзапоя ёқиб овқат пиширар эдик. Беш миллион тонна «оқ олтин» етиштириб, кўрпага пахта қидириб юрардик. Тонналаб Зарафшон олтини ҳар куни қирувчи самолётлар қўриқловида Москвага олиб кетиларди.

Маданиятимиз, миллий анъаналаримиз, кўҳна тарихимиз, буюк саркардалар, алломалар ҳақида чет элларда инглиз, француз, немис, испан, араб ва бошқа тилларда рисолалар, тарихий асарлар, адабий романлар яратилди, аммо ўз она Ватанимизда бобокалонларимиз тўғрисида ҳақиқий илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар ёзиш имкониятидан маҳрум эдик. Мажбуран барпо этилган иттифоқ оқибат-натижада оёғимиздаги кишанга айланди. Республикамиз бўлса, қизил империянинг итоатли хом ашё манбаи бўлиб қолди.

Ислом Каримов Президентликка сайланган кезлари республикамизда иқтисодий-сиёсий муҳит ана шундай оғир эди. Бунинг устига осойишта тинч ҳаётимиз ҳам хавф остида. Марказдан халқимиз бўйнига «Ўзбеклар иши» деган тавқи лаънат осиб қўйилган, қанчадан-қанча бегуноҳ, заҳматкаш кишилар туҳмат билан жиноий жавобгарликка тортилган, Фарғонадаги фожиали воқеалардан сўнг, Ўшда, Қўқонда рўй берган қонли кечмиш, тўс-тўполонлар осойишталигимизга раҳна солмоқда эди. Агар оқилона қатъий чоралар кўрилмаса, оқибат-натижада бош-бошдоқликлар катта фуқаролар урушига айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Боз устига узоқ йиллар давомида республикамизга раҳбарлик қилган атоқли аллома, давлат арбоби Шароф Рашидовнинг муборак номи бадном этилган. Энди гап Ўзбекистоннинг шон-шавкати, ҳаёт-мамоти, миллатимиз тақдири ва ифтихори ҳақида бормоқда, гўё ўттизинчи-эллигинчи йиллардаги қатағонлик даври бошқача, яна ҳам шафқатсизроқ шаклда қайтарилаётгандай сезиларди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди. Мустақил, озод Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг назарий ва амалий хулосалари кенг халқ эътиборига ҳавола этилди. Биринчи галда элимизнинг кўпчилигини ташкил этган, йиллар мобайнида қийналган деҳқонларни ночорликдан халос айлаш зарур. Шу мақсадда деҳқонга ер берилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахтанинг харид нархи бир неча баравар оширилди. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ҳаёт тақозоси туфайли келиб чиққан муаммоли масалалар собитқадамлик билан ҳал этила бошлади, уруш ва меҳнат оқсоқоллари, ногиронлар давлат ҳимоясига олинди. Ўқитувчилар, дўхтирлар, кам маошлиларнинг ойликлари бир неча бор кўтарилди. Республикамизда йилма-йил, қадам-бақадам амалга оширилган тадбирлар, иқтисодий ислоҳотлар аста-секин ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади.

Ўзбекистон истиқлолнинг бешинчи йилига қадам қўйди. Беш йил ичида эришилган муваффақиятлар бир неча ўн йилликларга тенгдир. Ўзбек энди ўз мулкининг ҳақиқий хўжайини. Олтинимиз ҳам, пахтамиз ҳам, ҳамма-ҳаммаси ўзимизники. Бундан қувонмай бўладими?

Ўзбекистон эртанги куни, ўз келажаги истиқболига ишонган ҳолда ҳақиқий озодлик, эркинлик, мустақиллик йўлини танлаган. Энди бу йўлдан орқага қайтиш йўқ. Бу бутун ўзбек халқининг азми-қарори, ишончи, имонидир!

Истиқлолимизнинг илк дамларида Ислом Каримов, ҳали шундай кунлар келадики, чет давлатлар биз билан ҳисоблашишга ўзлари мажбур бўладилар, деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Улар иқтисодий, савдо, маданий алоқалар боғлашни ўзлари сўраб юртимизга ташриф айламоқдалар. Ўзбекистонни бутун жаҳон таниди ва тан олди. Дунё бозорига дадил йўл оладиган давр ҳам келди.

Аллоҳ барча сайёралар ичра Ер юзини ғоят гўзал, кўркам этиб яратган. Бу ёруғ дунё бевафо, бебақо эмас. Уни гўзал, осойишта этадиган ҳам, бевафо этиб вайронага айлантирадиганлар ҳам инсонларнинг ўзларидир. Ҳа, дўстлар, қўшиқда айтилганидек оламни, одамларни асрайлик, қадрлайлик!

... Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида оламга машҳур Камола Неру боғи бор. Уни «муаллақ боғ» дейишади. Ул бўстон ичра анвойи гулларнинг барча хилларини учратасиз. Минг йиллик чинорлар салобат тўкиб турар, атроф ям-яшил, сокинлик қўйнида осойишталик оғушидаги боғга кираверишдаги эшик пештоқига форс тилида:

«Агар бихишт дар рўйи замин аст,
Хамин асту хамин асту хамин аст»,

деб ёзиб қўйилган.

Азиз она-юртим Ўзбекистонни Аллоҳ изми билан яратилган гўзал бўстонга ўхшатаман. Унинг заминида боғ-роғлар, лола-гулу чаманзорлар, ўрмонлар, мевазорлар тўлиб-тошиб ётибди. Шўх дарёлар, осмонўпар тоғлар унинг жамолига ҳусн бахш этади. Мен Ватаним дарвозаси пештоқига ҳам ўша Бомбей боғидаги сўзларни ёзиб қўйишни истардим. Бу дунёнинг жаннати қайда деб сўрсалар, фахр билан Ўзбекистондадур, Ўзбекистондадур, Ўзбекистонда деб айтган бўлур эдим.

Ислоҳот ва манфаат

«ИЖОДКОР» — ҚУРУВЧИГА МАДАДКОР

Мамлакатимиздаги энг йирик ғишт ишлаб чиқариш заводи — Янгийўл туманидаги «Ижодкор» корхонаси ташкил этилганига бу йил 65 йил тўлади. Айтиш лозимки, кўп йиллар давомида бу ерда ўзига хос иш услуби, тажриба мактаби юзага келган. Ҳамиша жамоа иши учун бел боғлайдиган ишчи-хизматчилар, елиб-югуриб ҳамма нарса муҳайё қиладиган етакчилар бор. Шунданми, корхонанинг иши ҳамиша бир маромда борянпти. Вақтинчалик узилиб қолишлар, турли етишмовчиликлардан нолишлар уларга бегона.

Жамоанинг 300 га яқин ишчи-хизматчиси бир кунда ўртача 80 минг дона ғишт ишлаб чиқариб, сотмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Янги замонавий жиҳозлар ўрнатилган. Шу боис ўтган йилги натижалар ҳам арзигулик бўлди: корхона 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бундан тўрт миллион 805 минг сўми соф фойда. Кейинги пайтда аҳли жамоа маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сонига эмас, сифатига кўпроқ эътибор берянпти. Шундан бўлса керак, ҳозир корхона маҳсулотини сотиб олишга қизиқувчилар кўп. «Ижодкор»да тайёрланаётган пишиқ ғиштларнинг бозори чаққон.

Ўтган йили корхона хусусийлаштирилганди. Бу ҳам қисқа вақт ичида ўз самарасини кўрсатди. Ҳозир жамоа меҳнаткашларининг ишга бўлган муносабати бутунлай ўзгарган. Энди улар ишга «бизники» эмас, «меники» деб ёндашадилар. Айни пайтда бу ерда ўртача ойлик 1500 сўм атрофида. Байрам ва маросимлар муносабати билан ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантириш учун алоҳида фонд ташкил этилган. Корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида ана шундай эҳтиёжлар учун пул бор. Шунга кўра кам таъминланган ва қаровчисини йўқотган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, пул бериб турилади. Бундан ташқари корхона қошида «Уткир» хусусий фирмаси ташкил этилган. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун ғўшт етиштирилади. Болалар боғчаси, ошхона, чойхона, тўй ва маъракалар учун жиҳозланган майдон бор. Қувончлиси, ўтган йили корхона ҳисобидан жамоа меҳнаткашлари истиқомат қиладиган Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалигининг маҳаллалари юз фоиз газлаштирилди. 1995 йил мобайнида ишчи-хизматчилар учун 140 минг сўм моддий ёрдам пули, 100 минг сўм рағбатлантирувчи мукофот, соф даромад ҳисобидан шаҳардаги мактаблар учун 105 минг сўм пул ажратилди. Шу кунларда амалга оширилиши мўлжалланаётган ишларнинг ҳам кўлами кенг.

— Беш йилдан буён шу ерда ишлайман, — дейди корхона директори Уткир ака Маҳмудов. — Гапнинг очиғи, янги келган пайтларимда жамоа деярли иқтисодий танг аҳволда эди. Шукрки, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли ҳаммаси ўз изига тушди. Энди корхона қарзидан узилиб, фойда кўриб ишлаяпти. Ўтган йил учун белгиланган умумий режани жамоамиз аҳли 110 фоизга уддалашга эришди. Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан, осонликча бўлавермайди. Бу юмушларнинг орқасида қанча машаққат, заҳмат, фидокорона меҳнат туришини кўпчилик яхши билади. Ҳозиргача жамоа тўрт миллион 365 минг сўмлик соф фойда олди. Барча соҳадаги йилнинг биринчи чораги учун белгиланган режалар ортиғи билан уддаланди. Янги, замонавий жиҳозлар сотиб олинди. Қўшимча иш жойлари барпо этилди. Малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ишчи-хизматчиларнинг ўқуви ташкил этилди. Албатта, моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша. Бундан ташқари ҳар ойда жамоа меҳнаткашлари учун корхона ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ёрдамчи хўжаликда етиштирилган сут, қатиқ, ғўшт бериб борилади. Иқтисодий томондан қийналиб қолган, бирон-бир тадбир утказмоқчи бўлган оилаларга ёрдам кўрсатилади. Хуллас, бу ерда нонини ҳалоллаб ейдиган одамлар ишлашади. Шунданми, «Ижодкор»да бошқаларга таргиб қилишга арзийдиган ишлар кўп.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• Россиядаги Президент сайловларида қатнашиш учун Америкадан каттагина кузатувчилар вакиллари келиши кутилмоқда. Бу ҳақда халқаро республика институти баёнот берди. Сенатор Жон Маккейн раҳбарлигидаги гуруҳ таркибига сиёсий арбоблар, бизнесменлар ва Россия бўйича мутахассислар киритилди.

* * *

• Халқаро валюта фонди Россияга 330 миллион долларлик навбатдаги қарз бериш ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватлади. Халқаро валюта фонди вакилларининг таъкидлашича, бунга Россияда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани сабаб бўлди.

* * *

• Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида тарқалган эпидемия натижасида камида 50 бола оламдан ўтди. 800 дан зиёд бемор болалар Горакхпур шаҳридаги касалхонада даволаняпти. Бироқ, беморлар оғир аҳволда.

ДУНЁ ЎЗГАРИШЛАРИ

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

• БРЮССЕЛЬ. Европа парламентида Европа Кенгашининг Хорватияга оид қарори қабул қилинди. Маълумки, яқинда Европа Кенгашининг вазирлар қўмитаси Хорватияда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаётгани ва матбуот эркинлиги йўқлиги боис, уни мазкур ташкилот аъзолигига қабул қилишни рад этган эди.

Европарламент Хорватияни Европа Кенгашига аъзоликка қабул қилиш учун қатор шартлар қўйди. Шартларга кўра, Хорватия матбуот эркинлигини таъминлашни кафолатлаши, қочқинларнинг мамлакатга қайтишига тўсқинлик қилмаслиги, собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал билан тўла ҳамкорликда иш олиб бориши, Мостардаги хорватлар ва мусулмонлар муаммосини ҳал этишда Европа Иттифоқи билан ҳамнафас бўлиши керак. Ана шундагина Хорватиянинг Европа ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб кириш ҳақидаги орзуси рўёбга чиқиши мумкин.

ХИТОЙ ЯДРО СИНОВИ ЎТКАЗМОҚЧИ

• ТОКИО. Хитой Халқ Республикасининг Японияда дипломатия миссияси раҳбари ХХР Яқин кунлар мобайнида ядро синовини ўтказишга қарор қилганини маълум қилди.

Японияда чоп этиладиган «Асахи» газетасининг ёзишича, Хитой элчиси синов муддатининг аниқ санасини айтмаган. Лекин шуниси аёнки, синов Шинжонг-Уйғур автоном туманида амалга оширилади. Шу муносабат билан хитойлик дипломат Япония ҳукуматидан мазкур қарорга «босиқлик билан муносабатда бўлишни» сўради. Чунки, ХХР ўтган йили ядро синовларини ўтказгандан сўнг, Япония Хитойга иқтисодий ёрдам кўрсатишни тўхтатиб қўйган эди.

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВГА ЭҲТИЁЖ ТУҒИЛДИ

• ДАМАШҚ. Сурия Президенти Ҳафиз Асад Миср Президенти Ҳусний Муборак ва Саудия Арабистони подшоси Фаҳдга мурожаат этиб, зудлик билан Дамашқ шаҳрида олий даражадаги учрашув ўтказиш кераклигини айтди.

Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, араб дунёсининг уч раҳбари Сурия пойтахтида Яқин Шарқдаги можароларни тинч йўл билан бартараф этиш истиқболини муҳокама қилади. «Учлик»нинг кутилмаганда бундай қарорга келишига сабаб, Исроилда илгари ҳукуматга мухолифатда бўлган «Ликуд» сиёсий блоки раҳбари Биньямин Нетаньяхунинг умумий сайловда ғалаба қозонгани бўлди.

ҚОНУН КЕСКИН ҚОРАЛАНДИ

• ПАНАМА. Америка қитъаси давлатлари ташкилоти (АДТ) Бош ассамблеяси навбатдаги мажлисида АҚШнинг Кубага нисбатан иқтисодий жазо чораларини кучайтириш ҳақидаги қонунини қораловчи резолюция қабул қилди. Америка Қўшма Штатларининг мазкур қонуни Кубани янада ночор аҳволга солишдан ташқари, у билан ҳамкорлик қилувчи бошқа мустақил давлатларнинг ҳам ҳуқуқини камситади. Яъни, ушбу мамлакатларнинг Куба билан ҳамкорлик қилаётган компаниялари ҳам АҚШдаги бозоридан маҳрум бўлади.

Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, ушбу резолюция тарихий аҳамиятга эгадир. Чунки, АДТнинг 48 йиллик тарихи давомида унга аъзо давлатлар илк бор Америка Қўшма Штатлари қабул қилган қонунга нисбатан бир овоздан қарши чиқди.

Айни вақтда Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасида жойлашган давлатлар сиёсий партияларининг доимий конференцияси ҳам АҚШнинг Кубага қарши қабул қилган қонунини кескин қоралади.

ТАЛАБАЛАР ХОТИРАСИ ЁД ЭТИЛДИ

• ГОНКОНГ. Ўн минглаб гонконгликлар 1989 йили Пекиндаги Тяньаньмэнь майдонида ҳалок бўлган талабалар хотирасини ёд этди.

Маълумки, ўшанда Пекиннинг Тяньаньмэнь майдонида йиғилган талабаларнинг тинч намойиши шафқатсизларча бостирилган эди.

45 мингга яқин Гонконг фуқароси шаҳардаги Хитой ваколатхонаси олдида тўпланиб, талабаларнинг бегуноҳ қонини тўкишда айбдор бўлган раҳбарларни жазолашни талаб қилган.

БУШ ИШ ЎРИНЛАРИ САҚЛАНИБ ТУРИБДИ

• МОСКВА. Россия Федерацияси бандлик хизматидан маълум қилинишича, айни пайтда мамлакатда бўш турган ҳар бир иш ўрнига 9 нафар ишсиз даъвогарлик қилар экан. Бўш иш ўринларининг бешдан бир қисми саноат корхоналари, қолган қисми эса соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, ижтимоий таъминот тизими, фан, маданият ва маориф соҳалари ҳисобига тўғри келар экан.

Россия Федерацияси бандлик хизмати матбуот бўлими раҳбарининг фикрича, ишсизлар сони кўпаяётган бир пайтда Россияда бўш иш ўринларининг сақланиб қолаётгани малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ва ойлик маошнинг ҳаддан ташқари озлиги туфайлидир.

НАВБАТДАГИ МАЖЛИС БОШЛАНДИ

• АЛ-ҚУВАЙТ. Кувайт, Ироқ, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Франция ва АҚШ вакилларидан иборат махсус комиссия 1990-1991 йилларда Ироқнинг Қувайтни босиб олиш даврида бедарак йўқолганлар тақдири бўйича навбатдаги мажлисини бошлади.

Ироқ оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, мамлакат ҳукумати уруш вақтида 128 нафар қувайтлик ҳибсга олинганини тан олаётир. Лекин халқаро Қизил Хоч ташкилоти ва Қувайт ҳукумати бу даврда 600 нафардан зиёд киши бедарак йўқолганини айтмоқда.

Қувайт вакилининг айтишича, бедарак йўқолганлар орасида Саудия Арабистони ва бошқа араб давлатларининг фуқаролари ҳам бўлган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Аломат гаплар

БОСИЛМАГАН КИТОБЛАРДАН ТУЗИЛГАН КУТУБХОНА

Тавда шаҳридаги марказий кутубхонага нафақахўр Альфред Дерингер 700 томлик китобларни совға қилди. Бу одатдан ташқари кутубхонадир. Альфред Иванович қарийб ўн йилдан бери «Новое время», «Знамя», «Юность» журналларига обуна бўлиб, уларни йиғиб борди. Ана шу журналларда Набоков, Шаломов, Сольженицин сингари таниқли ёзувчиларнинг ҳали босиб чиқарилмаган романлари эълон қилинганди. Дерингер эса ана шу асарларни яхшилаб тикиб, уларга муқова ҳам ясади.

ПАШШАДАН ФИЛ ЯСАШДИ

Ушбу ибора Лондонда бўлиб ўтган суд жараёнини тўла-тўкис ифодалайди. Икки ёш йигит йўлтўсарлиқда айбланмоқда. Лекин улар бу айбни рад этишаётир. Прокурорнинг таъкидлашича, йигитлар жабрдийдадан 20 пенни майда пулни зўрлаб олиб қўйишган. Ҳимоячиларнинг айтишича, йигитлар ундан телефонда қўнғироқ қилиш учун танга сўраганликларини айтмоқда. Бироқ, судьяларнинг қарори қандай бўлишидан қатъи назар «Йигирма пенни ҳақидаги жараён» кунига юз фунт стерлингга тушмоқда.

Ўзбекистон ва жаҳон

БУЮК БРИТАНИЯДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД МАТЕРИАЛЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси Буюк Британия музейлари, кутубхоналари ва илмий марказларида сақланаётган Темурийлар даврига оид материалларни ўрганиш бўйича катта ишлар олиб бормоқда. Лондондаги Британия кутубхонаси, Қироллик Осиё жамияти, Британия, Виктория ва Альберт музейларида Марказий Осиё давлатларининг тарихи билан боғлиқ кўпгина нодир экспонатлар сақланмоқда. Уларни ўрганиш учун мутахассислар, олимлар, тарихчиларнинг катта меҳнати ва маълум молиявий харажатлар талаб қилинади.

Ҳозир Ўзбекистон элчихонаси тарихшунос олим Г. А. Ҳидоятовнинг ёрдами билан рангдор суратларга бой «Зафарнома» асарини, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», «Темур тузуклари» асарларини, Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган мактуби ва бошқа тарихий ҳужжатларнинг нусхаларини Тошкентда бўладиган кўргазмага тайёрлади.

Керакли ҳужжатларни топиш ва уларнинг нусхаларини олишда Буюк Британия олимлари ва мутахассислари Муҳаммад Исо Уэйли, Джон Поллак, Роберт Скелтон ва Британия кутубхонасининг ходимаси Гита хоним ва бошқалар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши Узбекистон ва Британия олимларининг турли соҳаларда ҳамкорлик қилиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Мамлакатимиз тарихи, бой ўтмишимиз ҳақидаги ҳужжатларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

«ЖАҲОН» ахборот агентлиги.

Сиёсат ва тижорат

АҚШ — ҲИНДИСТОНДА

АҚШ савдо-сотиқ ишлари вазири ўринбосари жаноб Риман Викери Ҳиндистон иқтисодиётидаги ўзгаришлардан ҳайратда эканлигини билдирди. Ҳиндистонда иқтисодий сиёсат тўрачилик, таъқиқлар ва паст баҳолар каби тўсиқларсиз бир маромда ривожланмоқда. Бундай вазият иқтисодиётдаги барча секторларда, айниқса энергетика, транспорт ва телекоммуникация тармоқларида фаол ҳаракат қилиш учун жуда катта имкониятлар яратади. У ўз мулоҳазасини Осиё ва Тинч уммони ҳудуди қўмиталарининг Вакиллар Палатасида бўлиб ўтган мажлисида билдирди. Ҳиндистон иқтисодиёти ва иқтисодий ислоҳотларнинг тадрижий жараёнини ижобий баҳолади. Жаноб Викери, Парламент сайловлари Ҳиндистон иқтисодиётидаги ислоҳотларга салбий таъсир этмайди, деди.

Ҳиндистон ва Американинг тўжжор ҳамкорлари бир-бирларини яхшироқ билиб борган сари мавжуд муаммолар ҳам барҳам топиб боради. Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик фақат сайловдан сўнг ривожланиши мумкин, деган тахмин ўзини оқламади. Бу борадаги ҳамкорлик сайловларни кутиб ўтирмасдан ривожланиб кетди. Ҳиндистоннинг ички бозорида иштирок этиш учун АҚШ компаниялари орасида рақобат вужудга келди. Ҳиндистон ички бозори учун нафақат АҚШ, балки Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония каби давлатлар орасида ҳам рақобат мавжуд. Жаноб Викерининг айтишича, фақат айрим ташаббус ва лойиҳаларгина ижро этилиши чоғида қисман тўсиққа учраши мумкин, холос. Асосан эса Америка компанияларининг Ҳиндистондаги иши равон бормоқда. Халқ истеъмол маҳсулотлари ва хизмати сектори Ҳиндистонда чет эл тадбиркорлари учун ёпиқ ҳисобланади. «Бу тақиқ олиб ташланса, - деди жаноб Р. Викери, - Американинг «Пепсико», «Келлгз», «Вирлпул» компаниялари Ҳиндистон ички бозорини халқ истеъмол маҳсулотлари билан тўлдиришга, шу орқали Ҳиндистоннинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшади». Президент Клинтон маъмурияти Ҳиндистонда ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришда ҳали фойдаланилмаган жуда кўп имкониятлар мавжуд деб ҳисоблайди.

Салим АШУРОВ.
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ТАНЛОВДАН АНЪАНАГА

Она-юрт туйғуси Ўзбекистоннинг гўзал маскани бўлмиш Самарқанд вилояти аҳли юрагида ўзгача кечиши табиий. Чунки Жомий, Навоий, Имом Бухорий, Хўжа Аҳрор колаверса, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари буюк алломалар руҳи уларга ҳамиша мадад бўлиб турибди. Икки миллат дўстлигининг тимсоли бўлган Зарафшон бўйларида, Омон-қўтон тоғлари этакларида қўйламасликнинг иложи йўқ. Шу сабабли «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови вилоятда ўзгача шукуҳ билан ўтди. Икки ой давомида шаҳар ва қишлоқларда ҳақиқий санъат байрами нишонланди, десак муболаға бўлмас.

Энг муҳими, ушбу тадбир иқтисодий қийинчилик туфайли уюшмаган ҳолда, қисиниб ижод қилаётган қўшиқчилар, бастакорлар, шоиру ёзувчилар фаолиятини муайян йўналишга қаратди. Маҳаллий ҳокимият идоралари ишбилармон, тадбиркорлар танловни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Жумладан, қисқа давр ичида Самарқанд тумани-

Ўзбекистон — Ватаним маним

нидаги янгидан ташкил этилган олтита ҳаваскорлик жамоасининг барчаси мусиқа асбоблари ва кийим-кечаклар билан таъминланди. Туман ҳокимлиги танлов ғолибларидан бири — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мардон Мавлонов дастаси учун қарийб миллион сўмлик мусиқа асбоби ва техника воситалари харид килди. Тайлоқ тумани ҳокимлиги туман маданият бўлимига қишлоқда ижрочилик санъатини ривожлантиришга сарф қилиш учун 150 минг сўм қўшимча маблағ ажратди. Булунғурда ҳам ана шундай иш қилинди.

— Мазкур тадбир ёшлар ўртасида қўшиқчилик санъатини оммалаштиришга ва иқтидорлиларни рағбатлантиришда қўйилган яна бир дадил қадам бўлди, — дейди Самарқанд вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиқов. — Танлов жараёнида яратилган беш юздан ортиқ қўшиқларни жамлаш, ўрганиш, лозим бўлганда қайта ишлаш ва саҳнага олиб чиқиш борасида шоир ва бастакорларимиздан Хосият Бобомуродова, Равшан Ҳамроқулов, Олқор Дамин, Олим Раҳмонов, Душан Файзий, Жамол Сирожиддинов, Жаводбек Козимов, Мели Бобоқулов кабилар самарали меҳнат қилдилар. Энг муҳими, жойларда Ватан, она-юрт қўшиқлари юзасидан доимий танловлар ўтказиш ташаббуслари пайдо бўлди. Хусусан, шу йилнинг ўзида катта ашула танловини ўтказишни режалаштиряпмиз.

Танлов Зарафшон воҳаси меҳнат аҳли санъатга нечоғли ихлос қўйганлигини яна бир карра намойиш қилди. Гўзалкентлик олти ёшли Наврўз Орзиқулов, челаклик 78 яшар Кули бобо Раҳимовларнинг чиқишлари ҳам юракдаги туйғуларни жўштириб юборди. Яна бир нарса. Ҳайъат аъзолари кўп миллатли санъаткорлар орасидан турли тилларда қойилмақом қилиб ашула айтган ижрочилар иқтидорига одилона баҳо бердилар. Халқ ўртасида танилиб қолган Асатулла Отауллаев, Сафия Сафтарова, Ваҳобиддин Баҳриев, Ўктам Яҳёев, Эркин Қайтаров кабилар яратган янги қўшиқларга юқори баҳо берилди.

— Яккахон ижрочилар бўйича менга иккинчи ўрин насиб этди, — дейди тайлоқлик Фурқат Мирзаев. — Гап ўринда эмас. Муҳими, вилоятимиздаги барча талантларга ўз қалбини қўшиқларда намойиш этиш учун имкон берилди. Мен ажойиб овозлар, иқтидорлар борлигининг гувоҳи бўлдим. Назаримда, бундан кейин халқ қўшиқлари, мумтоз ашулалар, эстрада йўналиши бўйича алоҳида-алоҳида она-юрт мавзуида қўшиқлар танлови ўтказиш керак. Чунки, қалбингда жўш ураётган Ватан меҳрини куйлаш, изҳор этиш катта бахтдир.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон чиннилари.

Шарқона пазандалик

ДАСТУРХОНДА ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ

ИКИР-ЧИКИРЛАР

Дўлма ичига қийма солинганда, карамни тузсиз сувда қайнатиб олиш хосиятли ҳисобланади.

* * *

Помидорни сирли идишга солиб, устини ёпмай, музлатгичнинг пастки қаватига қўйилса, узоқ сақланади.

* * *

Хом шолғом бироз тахирроқ бўлади. Шунинг учун ишлатишдан олдин қайноқ сувга чайқаб олингани маъқул.

* * *

Тузлаган бодринг устига майдаланган хрен барглари ёпилса, моғор босмайди.

* * *

Бодринг аччиқ бўлса, арчигач, шакарли сувда сақлаб туриш тавсия қилинади.

Бир тадбир баҳона тўкин дастурхон устида луқмаи ҳалол ҳақида фикр борди. Ривоят қилинишича, Ҳадиси шарифда келтирилишича, дастурхонга тортилган, меҳмонларга лозим кўрилган ҳар қандай ноз-неъматга ҳалол деб, қаралиши лозим экан. Мезбоннинг топган-тутганлари қаердан экани, пиширган егуликлари нималардан иборатлиги ҳақида мулоҳаза юритиш гуноҳи азим саналаркан. Умуман,дастурхон устида одоб сақлаш, майда гапликка берилмаслик шарқона удумлардан.

Ўзбек пазандачилиги ҳам халқимизнинг узоқ маданий анъаналарига бориб тақалади. Таом тайёрлашда турмуш тарзи, урф-одатлар, меҳнат фаолияти, қолаверса, иқлим шароити ҳам ўзига хос акс этган бўлади. Албатта, ўзбекона меҳмондўстлик, дастурхон тузаш ва пазандаликнинг алоҳида жиҳатлари бор. Муҳими, халқимиз турли халқларга хос анъана ва маданиятни ҳурмат қилиши пазандаликда ҳам намоён. Халқлар миллий анъаналарнинг қўлланиши эса дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга йўл очади.

Пазандачиликда ҳар ҳил гўшт маҳсулотлари, буғдой, арпа, гуруч, нўхот, мош, сабзи, пиёз, шолғом, зиғир, қовун, тарвуз кабилар кўпроқ истеъмол қилинади. Илгарилари юртимизнинг барча ҳудудларида картошка, помидор, бодринг, редиска умуман фойдаланилмаган. Асосан турп, шолғом, сабзи ишлатилган. Шунингдек, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида от гўштидан тайёрланган таомлар маъқул кўрилади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тоғ эчкиси, ёввойи қуён, қирғовул, каклик, бедана, ёввойи каптар гўштлари ҳам ишлатилади. Ёғ ва мойдан тасарруф этиш ҳам ўзига хос. Кўпинча омухта ёғ тайёрлаб олинади. Баъзи таомларга думба, қўй, мол ёғи, кунжут, зиғир, қолаверса, сариёғ ҳам ишлатилади. Кейинги пайтда пахта, кунгабоқар, зайтун, маккажўхори, ловия, хатто ўрик данагидан олинган ёғлар ҳам кўпчиликка маъқул келиб қолди.

Пазандачилигимизни сут ва сут маҳсулотларисиз тасаввур этиш қийин. Йилқичилик ва туячилик ривожланган жойда эса қимиз тайёрланади. Фарғона, Сурхондарё томонларда меҳмон кутиш қатиқсиз ўтмайди. Жаннатмакон ўлкамизда тўкин дастурхонни ҳўл меваларсиз тузалмайди, деса бўлади. Мавсумга хос мевалар дастурхонларга сархил тортилади. Хусусан, қишда кўпроқ туршак, майиз, данак, ёнғоқ, ҳатто жийда қўйилса, ёз-куз ойларида узум, ўрик, шафтоли нок, гилос, олхўри, олча, анжир, қовун-тарвуз, анор, хурмо каби мевалар дастурхонга кўрк бағишлайди. Кейинги пайтда апельсин, мандарин ва лимон ҳам дастурхонимиз безаги бўлиб қолди.

Пазандачиликда ёввойи ва маданий ҳолда ўсадиган кўкатлару зираворлардан кўпроқ фойдаланилади. Сўнгги пайтда қалампирмунчоқ, долчин, дафна барги кабилар ҳам таомларга таъм берадиган бўлди. Фарғона ва Тошкент вилоятларида мурч ва қалампир каби ўткир иштаҳаочар зираворлар хуш кўрилади. Таом тайёрлашда яна бир жиҳат кўпроқ пиёз солишдир. Жумладан манти, сомса, чучвара каби таомларни ёғлиқ гўшт ва пиёзсиз тасаввур этиб бўлмайди. Пиёзни ҳалқасимон бир текисда тўғраб қовуриш таомга ранг ва таъм беради.

Тайёр таомни дастурхонга тортишга ҳам ўзига хос аҳамият берилади. Хусусан, алоҳида идиш-товоқлар танлаш, қўшимчаларини аввалдан меҳмонхонага узатиш кабилар. Сўзимизни мухтасар қиладиган бўлсак пазандачилик маданияти узоқ йиллардан бери такомиллашиб ва бойиб бормоқда. Меҳмоннавозлик, пазандалик ва дастурхон тузашда тўпланган ўзбекона тажриба ва анъаналар яна узоқ йиллар ўзига хослигини йўқотмай, қадриятларимизга мослашиб боргусидир.

Одилжон МАҲМУДОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 30414 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0302

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Хеванинг 2500 йиллигига

СИРЛИ ТОПИЛМАЛАР

Яқинда машҳур ўзбек археолог олими, академик М. Е. Массоннинг шогирди Маргарита Филанович билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг раҳбарлигида Хеванинг 2500 йиллигига бағишлаб альбом тайёрланганди. Маргарита Ивановнанинг айтишича, бир неча йил давомида тарих фанлари доктори М. Мамбетуллаев раҳбарлигидаги гуруҳ қадимий шаҳарни ўрганиб чиққан. Унинг ҳақиқатан ҳам қадимийлигини тасдиқлаш учун археологик ишлар, меъморий объектлар матнлари ва суратлари туширилган альбом ЮНЕСКОга тақдим этилган.

Ичон-Қалъа музейида у йиққан ҳамма материаллар тўпланган. Музей плани худди антик даврдагидек тўғри бурчаклидир. У айниқса, Хоразм шаҳарлари учун муҳим аҳамиятга эга. Боиси, XIX асрда барпо этилган Хеванинг деворлари ташқи кўринишидан ўрта аср иншоотлари билан тенглаша олади.

Олимнинг изланишлари натижасида катта хум ва хумчалар топилиб, улар эрамиздан аввалги (V аср) ахеменид даврига тўғри келади.

Бундан ташқари, катта ҳажмдаги гишт (IV-III аср), квадрат шаклидаги минора (II-III аср) қолдиқлари топилган. Шуниси қизиқарлики, қадимий шаҳарлар Амударёнинг ўнг соҳилига, биринчи қадимий канал ва шаҳар типидаги Гўзали-гир, Қалами-гир (VI-IV асрлар) эса чап соҳилига жойлашган. Қалами-гир шаҳрининг қолдиқлари орасида ахеменид даврига (IV аср) тааллуқли топилмалар топилган. Бу Александр Македонский юришлари даврига тўғри келади. Шунингдек, ўша даврда Фарасман шоҳ Хоразмда ҳукмронлик қилган. Александр Македонский юришлари натижасида ахеменидлар ҳукмронлиги қулади ва Фарасман шоҳ мустақилликка эришди. Ундан сўнг эрамиздан аввалги III асрдан IV асргача Сиёвушлар авлоди ҳукмронлик қилди. Бу даврда Хоразм гуллаб-яшнади, Жонбой-қалъа, Аёз-қалъа сингари иншоотлар барпо этилди. Қазилмалар натижасида топилган тангалар бунга ишорадир. Келтирилган бу маълумотлар Хеванинг тарихи, ёши узоқ ўтмишга бориб тақалишидан далолат беради.

П. СИЛИН,
тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазаси нозири.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

НАФОСАТ БАҲСИ

• Кеча Тошкентда теннисчи аёллар ўртасида «Челленжер» халқаро мусобақаси байроғи кўтарилди.

Юртимизда спортнинг теннис турини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани яна бир бор кўзга ташланди. Маълумки, кейинги йилларда ўтказилган халқаро мусобақалар асосан эркаклар ўртасида уюштирилди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона каби шаҳарларда ўтказилган «Челленжер», «Буюк ипак йўли», «Сателлит» мусобақаларида асосан йигитлар куч синашдилар. Ваҳоланки, дунё мамлакатларида аёллар ўртасида теннис баҳсларини ташкил этиш оммавийлик касб этган. Бундан ташқари мамлакатимиз хотин-қизларида теннисга ҳавас уйғотиш, уларни йирик мусобақаларга жалб этиш мақсадида «Челленжер» дастуридаги ўзига хос нафосат баҳсини уюштиришга аҳд қилинди.

Тошкентдаги «Динамо» теннис ўйингоҳида ўтказилаётган халқаро мусобақада 19 мамлакат вакиллари иштирок этмоқдалар. Турли давлатларнинг байроқлари ҳилпираб турган, байрамона безатилган бу гўшада кеча халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Мухлисларда яхши таассурот қолдирган бу тадбир ўзига хос байрам тусини олди.

Мусобақага ажратилган мукофот жамғармаси 25 минг долларни ташкил этади. Якка баҳсларда ғалаба қозонган теннисчи 4 минг доллар миқдорида тақдирланса, жуфт бўлиб майдонга тушганлар орасида зафар қучган теннисчи қизларга 1500 доллардан берилади. Умуман, мусобақа низомига кўра ҳар бир иштирокчининг қуруқ қолмаслиги кўзда тутилган. Айни пайтда теннисчиларни алоҳида эсдалик совғалари ва мукофотлар ҳам кутмоқда.

Кеча асосий учрашувлар бошланди. Дам олиш кунлари эса 32 нафар теннисчи ўртасида саралаш баҳслари ўтказилганди. Мақсад, улар орасидан асосий мусобақада иштирок этишга даъвогар 4 нафар теннисчини аниқлаш бўлди. Шундай қилиб 32 нафар кучли теннисчи ғолиблик учун ўзаро учрашувларни бошлаб юборди. Юртимиз спорт шарафини Лиля Битякова билан Ирода Тўлаганова ҳимоя қилишмоқда. Ўйлаймизки, халқаро мусобақа мамлакатимиз хотин-қизлари ўртасида спортнинг теннис турини янада ривожланишида янада муҳим аҳамият касб этади.

ФУТБОЛ ВАТАНИДА БАЙРАМ

• Ўтган шанба куни футбол ватани ҳисобланган Англия пойтахти Лондонда Европа чемпионати байроғи кўтарилди.

Катта футболнинг бошланиши ашаддий мухлисларнинг завқини ошириб «оромини» бузди. Улар бир неча кун мобайнида чемпионлик учун курашувчи 16 терма жамоанинг қандай ўйнаши, янги номлар, кутилмаган тасодифлар билан қизиқадилар. Жамоалар эса тўрт гуруҳга бўлинган. Чемпионатнинг тантанали очилиш маросими катта байрамга айланди. Ҳозир ҳамма гап қайси жамоанинг ўз гуруҳида 1-2-ўринларни эгаллаб, курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишда.

Албатта, илк учрашувлар ўзига хос синовчан тарзда давом этади. Шу боисданми, бўлиб ўтган тўрт учрашувнинг учтаси бир хил дуранг — 1:1 ҳисобида тугади. Хусусан, Англия—Швейцария, Испания—Болгария, Дания—Португалия ўйинлари ана шундай якунланди. Фақат, Германия футболчилари ҳозирча чемпионатга пухта ҳозирлик кўришганлигини намойиш этишди. Улар Чехия футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Асосий учрашувлар олдинда. Чунки биргина ғалаба ёки мағлубият жамоа тақдирини ҳал қилиб қўймайди. Ўйлаймизки, муросасиз ва шиддатли футбол жангларида ҳақиқий юлдузлар кўзга ташланади. Кеча эса Голландия — Шотландия, Руминия—Франция футболчилари майдонга тушдилар.

ҲАР ЎЙИНДА БИР ЎЗГАРИШ

• Олий лига футбол жамоаларининг мамлакат чемпионатида ягона пешқадамлик учун кураши тобора қизғин тус олмоқда.

Ҳозирча ҳар бир тур ўйинларидан кейин пешқадамлар ўзгариб турибди. Хусусан, мавсум бошидан бери «Нефтчи», МҲСК, «Навбаҳор» жамоалари галма галдан пешқадамлик қилишди.

Тўққизинчи тур учрашувларида «Навбаҳор» билан «Нефтчи»нинг учрашуви кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Навбаҳорчилар киритган ягона тўп бу жамоани 23 та очко билан биринчи ўринга кўтарди. МҲСК футболчилари эса Самарқанд динамочилари майдонида ғалаба (3:1) қозониб, очколарини 22 тага етказиб олишди. «Нурафшон», «Нефтчи» жамоаларида 19 тадан очко бўлса, «Трактор» 16 та очко билан бешинчи ўринда бормоқда. «Пахтакор» билан «Наврўз» ҳисобида 15 тадан очко бор. Навбатдаги тур ўйинлари бугун бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Маданият янгиликлари

РАҚС САНЪАТИ ГАВҲАРИ

Фарғона вилояти кутубхонаси ва ўлкашунослик музейи ҳамкорликда Тамарахоним таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан «Шарқ рақс санъатининг гавҳари» номли кеча ўтказди. Унда машҳур раққосанинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида хотиралар айтилди. У ижро этган, видео тасвирга туширилган лапарлардан намуналар кўрсатилди.

Мухтасар КАРИМОВА.

СПЕКТАКЛЛАР КЎРИГИ

Республикамизда мустақилликнинг беш йиллигига бағишлаб болаларга аталган спектакллар кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. «Театр зинапоялари», «Золушка», «Алоуддиннинг сеҳрли чироғи», «Ўрмон қўшиғи», «Ҳасан хасис» спектакллари болалар эътиборига ҳавола этилган.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши 33-Тошкент подшипник корхонаси раҳбари, туман кенгаши аъзоси **Зокиржон Мирзааҳмедович ЮСУПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Халқ банки 1996 йил 1 июндан аҳолига "Рағбат" ва "Омад" номли янги омонат турларини таклиф қилади.

"Рағбат" номли омонатга пул топшириб, Сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдиғининг 80 фоизи миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.

Сақланиш муддати — 6 ой.

Ютуқли омонат *"Омад"*га пулингизни топшириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас!

Бу омонат тури *"талаб қилиб олгунча"* омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.

Халқ банкида омадингизни синаб кўришни таклиф қиламиз!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Халқ банки ўзининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июнда дунёга келган барча чақалоқлар номига мақсадли болалар омонатларини очиб, 400 сўмдан суюнчи беришини маълум қилади. Шунингдек, сафимизга қўшилган жажжи ватандошларимизнинг ота-оналари уларни Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари қилиб тарбиялайдилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон Республикасида энг арзон нарх

ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДА МУАММОЛАРИНГИЗ БОРМИ?

"ВОЛКАР"

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Шаҳрихондаги (Андижон вилояти) омбордан ПЭТВ - 2 маркали эмал симларни

таклиф этади.

Симларнинг қирқим-диаметри:
а)0,45 мм;
б)0,63 мм;
в)0,75 мм;
г)0,80 мм;
д)1,25 мм.

Сифат сертификати бор!

Телефонлар:
/8-37422/ 5-96-24, /8-37434/ 2-24-95
соат 8 дан 17 гача.
8 (3712) 55-35-07, 44-55-39.